# ҲАВЗИ КАВСАР

ШАНБА УЧРАШУВИ



*• Сиз кутган учрашув: Бахтиёр Холхўжаев*

## «БАРЧА ЭЛДАН ЎТАРО...»

**Истеъдодли хонанда Бахтиёр Холхўжаевнинг ижодий тақдири силлиқ кечмади. У санъатда ўз йўлини топиш учун машаққатли изланишлар олиб борди. Бундан тўрт-беш йил аввал ҳазрат Аҳмад Яссавийнинг ошиқона ва орифона ҳикматларига куй басталаб, қўшиқ айтганлиги кўпчиликка аён. Ҳозир бу қўшиқлар минглаб мухлисларини, санъаткор эса ўз йўлини топди, дейиш мумкин.**

— Муҳаббат ҳақида гап кетганда, беихтиёр ёш шоирларимиздан бирининг мана бу сатри ёдимга тушади: «Муҳаббатсан манинг ичимга сиғмайсан, сан —гулхан, ман эса қулингман. Куй сочиб йиғлайман, билмайсан...» Муҳаббат ҳақида, ишқ ҳақида шеър ёзмаган шоир, куйламаган ҳофиз йўқ, — деб сўз бошлайди ҳофиз. — Ҳазрат Яссавийнинг муҳаббати ва ошиқлиги тамоман ўзгача бўлиб, у мени фикру ёдимни буткул банд этди.

**— Бахтиёр ака, ҳазрат Яссавий ҳикматларига қай тариқа мурожаат этганингиз хусусида сўзлаб берсангиз?**

— Болалигимда Холхўжа бобом ҳазратнинг пурмаъно ҳикматларини кўп ўқиб берардилар. Ўша вақтларда Яссавий ҳикматларини жамоат жойларида айтиб бўлмасди. Сабабини ўзларинг яхши биласизлар. Менда Яссавий ҳикматларига бўлган қизиқиш ўшанда бошланган. Охир-оқибат, бу қизиқиш ҳикматларни қўшиқ қилиб айтишимга сабаб бўлди. Чунки ҳар бир санъаткорни тўғри йўлга бошлаб, унинг ички оламини суяб турадиган маънавий устуни бўлиши керак. Мен учун бобомизнинг пурҳикматлари ана шундай тенгсиз маънавий суянчиқдир.

**— Яссавий ҳазратларининг ҳикматларини эстрада оҳангларида айтилишига қандай қарайсиз?**

— Жуда ўринли савол бердингиз. Биласизми, ҳазрат жуда камтар инсон, бир сўз билан айтганда ҳақиқий муслим бўлганлар. Ул зот шунчаки ҳикмат эмас, ҳикматлар орқали Оллоҳга мурожаат қилганлар. Фикри ожизимча, у кишининг ҳикматларини халқимиз руҳиятига мос келмайдиган эстрада оҳангига солиб айтиш нотўғри. Чунки эстрада санъати бу умуман бошқача олам. Санъатдаги ҳар бир оламнинг ўз йўли, ўз қиёфаси ва ўз сўзи бўлгани маъқул.

**— Санъат дунёсига кириб келишингиз ва илк устозларингиз ҳақида икки оғиз гапириб берсангиз?**

— Мен Фориш туманининг Яраша қишлоғида туғилиб ўсганман. Болалигим Фориш тоғларининг сўлим манзаралари, кўрк салобати қўйнида ўтган. Қадрдон даламнинг бундай бетакрор табиатидан ҳузур қилиб завқ олардим. Кўнглимда санъатга муҳаббат ана шу она тупроқ завқидан уйғонган бўлса, ажаб эмас. Мактабни тугатиб, Тошкентдаги маданий-оқартув техникумига ўқишга келдим. Бу даргоҳда мусиқа муаллими Келдижон Саидаҳмедовдан мусиқа сирларини ўргандим. Кейинчалик тақдир мени халқимизнинг севимли ҳофизи Камолиддин Раҳимов билан учраштирди. Ўзбекча қилиб айтганда менинг одам бўлишимда Камолиддин аканинг хизматлари беқиёс. Умуман, устозлик ва шогирдлик ҳақида гап кетганда халқимизнинг буюк ва бой мусиқий мероси озми-кўпми санъаткор сифатида ўз йўлимни топишимга катта хизмат қилган. Мухлислар ҳурмат-эътиборига сазовор бўлган халқ ҳофизлари Очилхон Отахонов, Фаттоҳхон Мамадалиев, Муҳаммаджон Каримов, Ориф ҳожи Алимахсумов ижодлари ва ижро услублари ҳар бир санъаткорга бебаҳо устозлик йўлидирки, биз доимо уларга эргашиб, улардан илҳомланиб ижод қиламиз.

**— Қайси шоирлар билан кўпроқ ижодий ҳамкорлик қиласиз?**

— Замондош шоирларимизнинг шеърларини доимо катта қизиқиш билан кузатиб бораман. Севимли шоиримиз Абдулла Орипов, Азим Суюн, Саъдулла Ҳаким шеърларига куй басталаб, қўшиқ айтиб келаяпман. Келажакда бу ижодкорлар билан ҳамкорликни давом эттириб, ёш шоирларимиз ижодига ҳам мурожаат қилмоқчиман.

**— Ижодингиз ҳақида «Ўзбектелефильм» ижодкорлари суратга олган «Бахтиёр» фильм-концертидан кўнглингиз тўлдими?**

— Тўлди десам ҳам бўлади. Фильм икки қисмдан иборат: биринчи қисмида асосан ҳазрат Аҳмад Яссавий ҳикматларига басталанган қўшиқлар жой олган бўлса, иккинчи қисмида эса кўпроқ замонавий қўшиқлар янгради. Фильмни суратга олишда режиссёр Анвар Ёқубовнинг хизматлари катта бўлди. Фильмдаги гўзал тоғ манзаралари, ажойиб табиатимизнинг қўшиққа монанд тасвирланиши режиссёрдан жуда катта маҳорат талаб этардики, буни фильм ижодкорлари жуда меъёрига етказиб уддалашган. Фильм-концертнинг нечоғлиқ муваффақиятли чиққанлиги эса мухлислар ҳукмига ҳавола.

**— Одам орзу-умидлар билан яшайди...**

— Саволингизга тушундим. Ҳозир янги концерт дастури устида иш олиб бораяпмиз. Шу дастур асосида, насиб қилса бир гуруҳ санъаткор ва шоирлар билан Туркистон бўйлаб ва хорижий элларга сафар қилиш ниятимиз бор. Истиқлол туфайли санъат аҳли учун жуда катта имкониятлар пайдо бўлди. Ҳозир айни изланадиган, ёниб ижод қиладиган пайт.

**— Бахтиёр ака, бўш вақтларингизни қандай ўтказасиз?**

— Ижодкор аҳли учун бўш вақт деган тушунчанинг ўзи анча нисбий. Ўзларингиз яхши хабардорсиз мустақиллик туфайли халқимиз ўзининг буюк саждагоҳлари томон юз буриб, асрий қадриятларига қайта бошлади. Шу боис ҳозир қаерга борманг қандайдир бир тадбирнинг устидан чиқасиз. Юртимиздаги бундай шодиёналар биринчи навбатда осойишталик ва тинчлик туфайлидир. Биз санъаткорлар халқимизнинг ана шундай яхши кунларида хизмат қилишдан ўзимизни жуда бахтиёр сезамиз. Концертлардан қўлим бўшаган пайтларда китоб ўқишни яхши кўраман. Айниқса юртимиз тарихи ҳақидаги хоҳ бадиий, хоҳ илмий асар бўлсин, доимо катта қизиқиш билан мутолаа қиламан. Тарих инсоният учун тенгсиз сабоқ бўлиши билан бир қаторда ҳар бир инсоннинг ўзлигини англашда муҳим восита ҳамдир. Ўтмишга китоблар орқали «саёҳат» қилганим сайин бу дунёнинг боқий ва ўткинчи нарсаларини теранроқ англаб бораман. Ўткинчи ҳою ҳавaслар ҳазрат Яссавий айтганидек, «Барча элдан ўтаро».

Фақат Ватан ва халқ манфаати йўлида қилинган беминнат хизматларгина боқийдир.

**Ўткир ЭРАЛИЕВ ва Шоядбек МАШРАББОЕВ суҳбатлашди.**

МИНГ БИР ҲИКМАТ

## ДЎСТУ ДУШМАНГА МУОМАЛА ҚИЛИШ ОДОБИ

Турон мамлакатини фатҳ этган куним ва пойтахт Самарқандда салтанат тахтига ўтирганимдан сўнг дўсту душман билан (муомалада) бир текис йўл тутдим. Менга ёмонлик қилган, ҳийла макр ишлатиб, жанг майдонида менга қарши қилич яланғочлаган Бадахшон амирлари, турку тожик қўшинларининг баъзи амирлари қилган қинғир ишларидан қўрқувда эдилар. Чорасиз қолиб, илтижо билан менинг паноҳимга келганларида уларга шундай яхшиликлар қилдимки, менинг иноятим ва хайр-эҳсонимни кўриб, ўзлари шарманда бўлдилар. Кимни ранжитган бўлсам, эҳсону инъомлар билан кўнглидаги хафагарчиликларни чиқардим ва мартабаларига қараб имтиёзлар бердим...

Менга ҳасад қилиб, ўлдиришга қасд қилган кишиларга шунчалик совға инъомлар бериб, муруввату эҳсон кўрсатдимки, бу яхшиликларни кўриб, хижолат терига ғарқ бўлдилар. Ҳамиша менинг розилигимни олиб, иш тутган дўстларим олдимга паноҳ тилаб келганларида, уларни ўзимнинг бахту давлатимга шерик билиб ҳеч қачон улардан мол-мулк ва тирикчилик ашёларини аямадим.

Яна ўз тажрибамдан билдимки, содиқ ва вафодор дўст ул ким, ўз дўстидан ранжимайди, дўстининг душманини ўз душмани деб билади. Агар керак бўлса, дўсти учун жонини ҳам аямайди. Шундайки, амирларимдан қай бирлари менга жон дили билан ҳамроҳлик қилган бўлсалар, мен ҳам улардан ҳеч нарсамни аямадим.

Яна ўз тажрибамда кўрдимки, ақлли душман жоҳилу нодон дўстдан яхшироқ экан. Чунончи, амир Қозоғоннинг набираси амир Хусайн нодон дўстлардан эди. Унинг дўстлик юзасидан қилган ишларини ҳеч бир душман қилмайди. Амир Худойдод менга шундай деди: «Душманингни лаълу жавоҳирдай сақлагил, қачонки бирон тошлоқ ерга келиб қолсанг, уни олиб тошга шундай ургинки, толқони чиқиб, ундан нишон ҳам қолмасин». У яна шундай деди: «Агар душманинг паноҳингга бош уриб келса, раҳм қилиб, яхшилик ва мурувват кўрсатгил». Чунончи мен Тўхтамиш хонга қилганим каби. У паноҳимга сиғиниб келганида унга яхшилик ва мурувват қилдим. Агар душман сендан мурувват ва хайр-эҳсон кўрсаю, яна қайтадан душманлик йўлини тутса, уни парвардигорнинг ҳукмига топшир.

Чин дўст ўлдурки, дўстидан ҳеч қачон ранжимайди, агар ранжиса ҳам узрини қабул қилади.

**«Темур тузуклари»дан.**

## ТОШКЕНТНИНГ ЎН ИККИ ДАРВОЗАСИ

Бундан бир аср муқаддам Тошкентнинг 12 та дарвозаси бўлганлиги, уларнинг ҳар бири ўзига хос ном билан аталганлиги тарихий манбаъларда қайд этилган. Қуйида ана шу жойларнинг қисқача таърифи билан танишамиз.

**Бешёғоч дарвозаси** — Бешёғоч бозори билан Ўзбекистон миллий боғи оралиғида;
**Қўқон дарвозаси** — Мустақиллик майдони ўрнида;
**Самарқанд дарвозаси** — Самарқанд дарвоза кўчасидаги чойхона ёнида;
**Кўкча дарвозаси** — Кўкча гузарида;
**Чиғатой дарвозаси** — Форобий кўчасидаги ҳозирги Чиғатой дарвоза гузарида;
**Сўғбон дарвозаси** — Собир Раҳимов туманидаги 11-мактаб билан Кайковус ариғи оралиғида;
**Қорасарой дарвозаси** — Қорасарой кўчаси гузарида;
**Қашқар дарвозаси** — Қорасув даҳасидаги Ички ишлар вазирлигининг Олий мактаби яқинида;
**Лабзак дарвозаси** — Шайхонтоҳур туманидаги Хуршид кўчаси билан Анҳор туташган жойда;
**Камолон дарвозаси** — Бахт кўчаси ўрнида;
**Тахтапул дарвозаси** — Собир Раҳимов номидаги маданият ва истироҳат боғи ўрнида;
**Қаймаст дарвозаси** — Ўзбекистон ва 9 январь кўчалари чорраҳасида жойлашган эди.



ЕДГОРЛИК ПОЙИДА.

## Шоҳлар ҳам анойи бўлишмаган

Мамлакатимиз хорижда қадимдан олтин ва кумуш конларига бой ўлка сифатида таърифланган. Бозорларида ана шу қимматбаҳо бойликдан ясалган идишлар, зеб-зийнатлар, тақинчоқлар сероб бўлган.

Тарихий ёзилмалардан яна шу нарса маълумки, то рус инқилобигача подшоҳ ва амирлар олтин ва кумуш идишларда таом еб, сув ичишган. Бу ҳолатни биз шу пайтгача уларнинг бойликка ружу қўйишга, ўзларини раият (тобе халқ)дан юқори тутишларига йўйиб келдик. Аслида-чи?

Кумуш идишлардан фойдаланишда ҳикмат кўп экан. Шоҳлар, бой-бадавлат кишилар, қолаверса барча раият аҳли кумуш идишларда бежизга таом еб, сув ичишмаган кўринади. Чунки, кумуш ўз хусусиятига кўра турли микробларни ўлдириш хислатига эга. Айниқса заҳар ва маргумуш таъсирини кесиб, кишини заҳарланишдан сақлайди. Шу боис, машҳур табиб ибн Сино ҳам кўпчилик беморларга кумуш тузларини ичишликни тавсия этган. Кумуш ниналар билан муолажалар ўтказган.

Буни қаранки, озгина «кумуш суви»даги ионлар оддий дизенфекцияловчи моддаларга нисбатан бир неча марта кучли бўлиб, озиқ-овқатлардаги, сув таркибидаги, қолаверса, тиббий асбоб ускуналардаги микробларни тезда ўлдирар экан.



**XIII асрда ясалган бу сув идишини Генри Мозер исмли саёҳатчи тахминан 1800 йилларда Ўрта Осиё ўлкаларига қилган саёҳати давомида қўлга киритган. У ҳозир Швейцариянинг Берн шаҳридаги «Миллий тарих музейи» Шарқ бўлимидаги кумуш идишлар залида сақланмоқда. Музей ходимларининг шаҳодат беришича, бир пайтлар ота-боболаримиз фойдаланган бу ноёб идиш музейга 1914 йилда топширилган.**

САМАРҚАНД музей-қўриқхонаси қўлёзмалар бўлимида ўзбек, араб, форс, усмонли турк, татар, озарбайжон, уйғур, яҳудий, арман тилларида битилган икки минг жилддан зиёд китоблар мавжуд. Улар фақат илмий-маърифий жиҳатдан қадрли бўлмай, хаттотлик, саҳҳоблик, лаввоҳлик, мўъжаз расмчилик (миниатюра) ва шунга ўхшаш бошқа санъат намуналари ҳам ҳисобланади.

## 500 ЙИЛ МУҚАДДАМ БИТИЛГАН АСАР

Хазинада айрим китоблар борки, уларни бошқа жойларда камдан-кам учратасиз. Шулардан бири Алишер Навоийнинг сафдоши, олим, адабиётшунос Атоулло Маҳмуд Ҳусайиннинг «Бадоеъ-ус-саноеъ» («Бадиий санъатлар») асаридир. Бу китоб Алишер Навоийнинг маслаҳатига кўра битилган ва унга бағишлангандир. Шеър санъатига оид фикрлар жамланган асар 1493 йилда ёзиб тугалланган. Шуниси эътиборлики, Самарқанд музей-қўриқхонасининг китоблар бўлимида сақланаётган бу нусха ҳам айнан шу йилда ёзилган. Бундан ташқари асарнинг охирида уни кўчирган хаттотнинг исми шарифи айтилмаган. Эҳтимол бу муаллифнинг ўз қўли билан битилган илк нусхадир. Чунки, асар саҳифаларининг четларига кўплаб тузатиш ва қўшимчаларнинг ёзилганлиги ҳам шундан далолат бериб турибди. Ҳар ҳолда музей ходимлари бу ердаги китобни ушбу асарнинг илк нусхаси, деб тахмин қилишмоқда.

**М. МУҚИМОВ, «Халқ сўзи» мухбири.**



**Амир Темур ҳазратлари ҳар гал фатҳ юришларига чиққанда тавофу зиёрат учун ўз қўшинлари билан қадам ранжида қиладиган Туркистонга (Яссига) ҳам баҳор келди. Темур ҳазратлари бунёд эттирган Аҳмад Яссавий мақбараси атрофида ҳам баҳор эпкинлари таралмоқда.**

**Кўклам даракчилари бўлмиш қалдирғочлар, беозор мусича-ю, кабутарлар шундай ажиб фаслни яратган Зотга, Унинг мўъжизаси бўлмиш инсон қўли билан бунёд этилган, юзлаб йиллар давомида шу тупроқ, шу заминга кўрк бўлиб келаётган, баҳор қуёшининг заррин нурларида жилва билан товланаётган мақбара кошинларига маҳлиёдек мовий ранг гумбазлар узра парвоздан бир зум тинмайди.**

Содиқ МАҲКАМОВ тасвири.

## ГИЛМОЯНИ НЕГА ЕЙИШАДИ?

Фанда бентонит деб аталадиган гил 1894 йилда АҚШнинг Бентон штати яқинида чўкинди тоғ жинслари орасидан кашф этилди ва унинг номини штат шарафига бентонит деб аташди. Гилмоя Фарғона водийсида гилвўта, созкессак (Андижонда), тоғ ёғи (Ўшда), Тошкентда гилвата, Сурхон воҳасида кўкширам деб юритилади.

Гилмоя меъморчилик, деҳқончилик ва озиқ-овқат саноатида кенг ишлатилади. Уни истеъмол қилиш ҳам мумкин. Гилватани ёш болалар ва айниқса, ҳомиладор аёллар иштаҳа билан ейишади. Сабаби ҳомиланинг учинчи ойларидан бошлаб мурғак бола танасида, аввало, гўшт таркибидан тоғай, қолаверса, тана суяги пайдо бўла бошлайди. Бунинг учун эса нафақат турли витаминли озуқа, балки кальций, фосфор, ванадий, молибден ва бошқа микроэлементлар керак бўлади. Гилмоя таркибида эса 21 га яқин микроэлемент билан бир қаторда сувда эрувчан тузлар ҳам мавжуд бўлиб, шўртаъм — қурт мазалидир. У кимёвий жиҳатдан зарарсиз ҳисобланиб, умуман реакцияга киришмайди, аммо айрим реакцияларнинг кечишини тезлаштиради. Уни (талаб қилинганда, албатта) истеъмол қилиш фақат фойда келтиради.

Гилмоя эндиликда тиббиётда ҳам қўлланилаяпти. Масалан, ундан зарарли-концероген хоссаси аниқланган тальк ўрнига чақалоқлар тупроғи (присипка) ишлаб чиқариш йўлга қўйилмоқда. У касб касалликларини даволашда ҳам катта самара бермоқда. Гилмоядан, шунингдек, болалар учун махсус печенье, конфет тайёрлаш ҳам мўлжалланаяпти. Ҳозирча бу йўлда фақат тадқиқотлар олиб борилаяпти.

Гилмояларнинг Ўзбекистондаги заҳираси битмас-туганмасдир. Ҳозирги кунгача «Химгеолнеруд» экспедицияси томонидан 200 дан ортиқ гилмоя кони ва нишонаси харитага туширилган.

**Мирмажид ЗОКИРОВ,**
**Ўзбекистонда хизмат кўрсатган геолог.**

ФРАНЦИЯ — ЎЗБЕКИСТОН: ҲАМКОРЛИК ҚИРРАЛАРИ

## МАРК ШАГАЛГА БАҒИШЛАНГАН КЕЧА

Ўзбекистон Республикаси Халқаро маданий-маърифий алоқалар миллий ассоциациясида XX асрнинг буюк санъаткори Марк Шагал ижодига бағишланган бадиий-мусиқали кеча бўлиб ўтди.

Ушбу кечани оча туриб, ассоциация раиси Наим Ғойибов жумладан шундай деди: «Ушбу анжуман Франция Президенти Франсуа Миттераннинг мамлакатимизга бўлажак расмий-дўстлик сафари олдидан ўтказилмоқда. Бу кечамиз Ўзбекистон ва Франция ўртасида тобора мустаҳкамланиб бораётган маданий алоқаларнинг бир кўринишидир».

Марк Шагал Витебск вилоятидаги бир қишлоқда яҳудий оиласида дунёга келган. Аммо уни бутун дунё француз рассоми сифатида билади. Франция, Париж, Ницца у учун ҳақиқий ватан бўлиб қолди.

Бўлиб ўтган кеча Марк Шагалнинг Ўзбекистонда ҳам мухлислари тобора кўпайиб бораётганлигидан далолатдир. Санъатшунос Наталья Мусина рассом ҳаёти ва ижоди ҳақида маъруза қилди.

ХАЛҚ СЎЗИ • НАРОДНОЕ СЛОВО

• ТЕЛЕФОНЛАР:
маълумот учун 33-07-48;
эълонлар бўлими 32-09-25.
Индекс: 64608.

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши Раёсати ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси.

Бош муҳаррир: Анвар ЖЎРАБОЕВ

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:
Абдунаби БОЙҚЎЗИЕВ, Эсиргап БОЛИЕВ (масъул котиб, «Халқ сўзи»), Эркин ВОҲИДОВ, Миракмал МИРАЛИМОВ, Салоҳиддин МУҲИДДИНОВ (бош муҳаррир ўринбосари, «Халқ сўзи»), Лев ПАК (бош муҳаррир ўринбосари, «Народное слово»), Людмила ПОРФИРЬЕВА, Қулаҳмад РИЗАЕВ, Александр ТЮРИКОВ (масъул котиб, «Народное слово»), Шавкат ЯҲЁЕВ, Пиримқул ҚОДИРОВ, Муҳаммаджон ҚОРАБОЕВ, Саидаҳрор ҒУЛОМОВ.

• МАНЗИЛИМИЗ:
700000, ГСП
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 19-уй.

Навбатчи муҳаррир Ҳ. Сатторов, навбатчи С. Рустамов.

Рўйхатдан ўтиш тартиб № 0001. Буюртма Г.—906 80332. нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А — 2.
«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй. 1 2 3 4 5 6 Босишга топшириш вақти — 21.00 Босишга топширилди 23.30